

Президент Меҳрибонлик уйидаги шароитларни кўздан кечирди



Президент Шавкат Мирзиёев 28 июль куни Тошкент шаҳридаги 21-Меҳрибонлик уйини бориб

кўрди.

Бу муассасада 122 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Уларнинг 47 нафари етим, 75 нафари ижтимоий етим болалардир. Таълим масканида малакали ўқитувчилар, психолог, логопед, дефектологлар фаолият юритмоқда. Робототехника, ментал арифметика, сартарошлик, пазандалик, тивувчилик тўғараклари ташкил этилган. Спорт машғулотида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга республика ва халқаро мусобақаларда совриндор ҳам бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шароитлар билан танишди, болаларнинг машғулотларини кўздан кечирди.

- Бугун келишимиздан мақсад сизлар билан кўришиб, сизларнинг тимсолингизда барча тарбияланувчилар учун шароитларни бундан-да яхшилаш, иложи борича, оиладагидек муҳит, тарбия ташкил қилиш. Ҳамма билан тенг бўлиб таълим-тарбия олишингиз, олийгоҳларда ўқиб, касб эгаллашингиз, уй ва иш билан таъминланиб, ҳаётда муносиб ўрин топишингиз учун имкониятлар яратамиз. Шунинг билан, сизларнинг ота-онангиз, ватанингиз бор. Давлат сизларни ҳеч қачон эътиборсиз қолдирмайди, - деди Президент.

Меҳрибонлик уйида шароитлар яхши. Лекин болалар билан яқка тартибда ишлаш, уларни касбга йўналтириш талаб даражасида эмас. Тарбияланувчиларнинг 18 ёшдан кейинги мустақил ҳаёти, олий маълумот олиши ва бандлигига кўмаклашувчи масъул идора йўқ.





Шу боис давлатимиз раҳбари барча Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларни Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси масъуллигига ўтказиш таклифини билдирди.

- Бу муассасаларнинг моддий ҳомийси бор, маънавий ҳомий керак. Бу ҳам савоб, ҳам керакли иш, -

деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимизда 16 та Меҳрибонлик уйи ва 4 та Болалар шаҳарчаси бор. Уларда 1 минг 823 нафар ўғил-қиз яшаб, ўқимоқда. 86 та махсус мактаб-интернатда 21 минг 363 нафар бола тарбияланмоқда. Ушбу муассасалар, синов тариқасида, Миллий гвардия масъуллигига ўтказилиши белгиланди. Болаларга ихтисослашган таълим бериш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича методика яратиш вазифаси қўйилди. Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларни фан, санъат ва спорт ташкилотлари билан боғлаб, тарбияланувчиларнинг қобилиятини ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.







Манба